# Мактабни битираётган махалла ёшларини олий таълим муассаларига киришида амалий ёрдам кўрсатиш

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Оққўрғон” махалласига институтдан бириктирилган масъуллар Б.Хасанов ва Ғ.Бекмирзаевлар ҳамда махалла раиси М.Абдуллаев билан ҳамкорликда махаллада яшовчи якка ёлғиз кексалар (3 нафар), ногиронлар (4 нафар) ва ижтимоий мухофазага муҳтож оилалар (12 нафар) ва боқувчисини йўқотган оилалар (2 та)ни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларга амалий ёрдам бериш бщйича амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олишди.

Бу йил махаллада кўплаб йигит-қизлар мактабни битираётганлигини ҳисобга олиб ва “Ёшлар дафтари”га кирган уюшмаган ёшлар учун олий таълим муассасаларига кириш учун интитутнинг “Олий математика» кафедраси билан биргаликда Математика фанидан курслар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**